

**Ҳ.М. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

АМИРОВ ЭЛМУРОД МАНСУРИДДИН ЎҒЛИ

**АУМИНЗА ТОҒЛАРИ (МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ) ИНТРУЗИВ
КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ ПЕТРОЛОГИК-ГЕОКИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**04.00.03 – “Геотектоника ва геодинамика.
петрология ва литология”**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Амиров Элмурод Мансуриддин ўғли Ауминза тоғлари (Марказий Қизилқум) интрузив комплексларининг петрологик-геокимёвий хусусиятлари	3
Амиров Элмурод Мансуриддин угли Петролого-геохимические особенности интрузивных комплексов гор Ауминзатау (Центральный Кызылқум).....	20
Amirov Elmurod Mansuriddin ogli Petrological and geochemical features of the intrusive complexes of the Auminzatau mountains (Central Kyzylkum).....	37
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	39

**Ҳ.М. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

АМИРОВ ЭЛМУРОД МАНСУРИДДИН ЎҒЛИ

**АУМИНЗА ТОҒЛАРИ (МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ) ИНТРУЗИВ
КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ ПЕТРОЛОГИК-ГЕОКИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**04.00.03 – “Геотектоника ва геодинамика.
петрология ва литология”**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/GM70 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ҳ.М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида www.ingeo.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Карабаев Маматхан Садирович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахунджанов Раҳмадjon
геология-минералогия фанлари доктори

Шермухамедов Тўлқин Зокирович
геология-минералогия фанлари номзоди

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химоҳси Ҳ.М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳузуридаги DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» декабр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси 64 уй. Тел: (99871) 262-65-16; факс: (99871) 262-63-81; e-mail: ingeo@ingeo.uz)

Диссертация билан Ҳ.М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (3 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел. (99871) 262-65-16.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» декабр куни тарқатилади.
(2020 йил «16» декабрдаги 3 рақамли реестр баённомаси)



А.К. Нурходжаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

Ф.Б. Каримова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.д.

У.Д. Мамарозиков

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий
кенгаш қошидаги семинар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ

(фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон геология-қидирув ишлари амалиётида замонавий, жумладан маъданли конларни башорат қилиш ва қидирув ишларини ташкил этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада саноатбop имкониятга молик бўлган турли хил маъданларни қидирув ишларинининг илмий асосланган меъзонларини яратишда петрологик-геокимёвий татдқиқот натижалари ишончли манбалар бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида эндоген маъданларнинг магматик ҳосилалар билан узвий боғлиқлиги тўғрисидаги илмий назариялар асосида, уларнинг моддий таркибини аниқлаш ва олинган натижаларни конларни башоратлашнинг илмий асосланган меъзонларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, магматик ҳосилаларнинг петрологик-геокимёвий хусусиятларини турли интрузив комплекслар кесимида тадқиқ қилиш, маъданли, жумладан нодир ва қимматбаҳо металллар конлари ҳосил бўлиш истиқболларини илмий асослашга имконият яратади.

Мамлакатимизда геология соҳаси фаолиятини тубдан ривожлантириш мақсадида инновацион тажриба ва замонавий ишланмаларга таянган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "... алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал ҳомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш ..." ¹⁾ вазифалари белгилаб берилган. Жумладан, қидирув ишларида петрографик, геокимёвий усуллардан фойдаланган ҳолда турли хил фойдали қазилма конлари заҳираларини кўпайтириш оркали, Республикаимизда фаолият олиб бораётган кончилик корхоналарининг минерал ҳомашё базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга эришилмоқда. Айниқса бу борадаги ишлар асл металллар, биринчи навбатда олтин конлари, уларга истиқболли майдонларни ажратишда магматик тоғ жинслари таркибини ўрганишнинг замонавий усуллари асосида инновацион ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, геология соҳасига тааллуқли 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожатномасида назарда тутган айнан геология соҳасининг фундаментал тадқиқотларини ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларига ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-

¹⁾ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони.

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрганилган ҳудудда интрузив жинслар кенг тарқалган бўлиб, улар юқори протерозой ва ордовик системаси ётқизиклари ичида батолит, шток кўринишидаги таналар ва турли таркибли дайкалардан иборат. Марказий Қизилқумдаги бу ва бошқа интрузив ҳосилалар И.Ҳ.Ҳамрабаев, Н.П.Петров, А.Ф.Соседко, В.М.Железнов, В.Ф.Попов, Х.Р.Рахматуллаев, И.В.Швей, В.В.Баранов, А.В.Толоконников, Ю.Ф.Баскаков, Э.П.Изох, З.А.Юдалевич, И.В.Мушкин, Р.Ахунджанов, И.Н.Ганиев, Ф.К.Диваев, М.С.Карабаев, Х.Д.Ишбаев У.Д.Мамарозиков ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Шу вақтгача Ауминза тоғи ҳудудида турли мавзудаги изланишлар ўтказилганлигига қарамасдан магматик ҳосилалар билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Жумладан, ҳудуд магматизмидаги сўнги босқич дайкалари, Ауминза интрузивида кенг тарқалган қўшимталар тавсифи, интрузив тоғ жинсларининг таркибий хусусиятлари, аксессуар минераллари ва ҳудуддаги интрузив жинсларнинг маъданлашувга алоқаси.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геология ва геофизика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг: 10-18/4 рақамли “Ауминза тоғидаги магматик ҳосилалар ва уларнинг маъданлашув вужудга келиши, ҳамда жойлашувидаги аҳамияти” ва 281 рақамли “Магматик, постмагматик ва метасоматик ҳосилаларда асосий ва ҳамроҳ маъданли элементларнинг тарқалиш қонуниятлари, ҳамда учраш шакллари аниқлаш ва чуқурлик сари башорат-қидирув моделини яратиш (Марказий Қизилқум олтин ва олтин-нодир металл объектлари мисолида)” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ауминза тоғида тарқалган интрузив тоғ жинслари петрографик-минералогик ва геохимёвий хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаб маъданлашувга алоқадорлигини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ауминза тоғларидаги магматик ҳосилаларни интрузив комплекслар кесимида минералогик-петрографик тавсифлаш;

ҳудуддаги магматик тоғ жинсларининг петрохимёвий ва геохимёвий хусусиятларини аниқлаш;

Ауминза тоғларидаги магматик тоғ жинсларидаги жинс ҳосил қилувчи, маъданли ва аксессуар минералларини замонавий тадқиқот усулларда тавсифлаш;

алоҳида магматик тоғ жинслари билан эндоген маъданлашувнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи петрогеокимёвий белгиларини аниқлаш; маъданли майдонларни башорат қилиш ишларида қўллаш мақсадида олтин маъданлашувининг кидирув мезонларини ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Қизилқумдаги Ауминза тоғлари интрузив ҳосилалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Ауминза тоғида тарқалган интрузив комплекслар тоғ жинслари, турли таркибли дайкали ҳосилалар, уларнинг петрологик-минералогик ва геохимёвий хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот натижаларининг сифатли ва ишончли бўлишини таъминлаш мақсадида замонавий усуллар қўлланилган, яъни изланишлар давомида минераллар нафақат кутбланган, маъданли “Nikon ECLIPSE LV100N POL” микроскопларда, балки замонавий – JXA-8800R “Superprobe, Jeol” микрозондида ўрганилган. Масс-спектрометр Elan-6600 Perkin Elmer, ICP-MS таҳлиллари ёрдамида тоғ жинслари таркибидаги петроген ва маъдан ҳосил қилувчи элементлар миқдорлари, ҳамда интрузив тоғ жинсларининг умумий кимёвий (силикатли) таҳлил таркиби тўлиқ аниқланган. Улардан ташқари, дала тадқиқот ишлари (объект бўйича петрографик кесма ва профиллар тузиш, намуналар олиш) ва лабораториявий петрографик усуллар ўтказилди (шаффоф ва силлиқланган шлифлар тайёрлаш ва ўрганиш), кимёвий таҳлил натижалари ва петрохимёвий ҳисоблар орқали петроген оксидларнинг хусусиятлари акс эттирилган, петрогеокимёвий усуллар (Petro Explorer дастури) ёрдамида махсус диаграммалар тузилган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ауминза тоғларида тарқалган барча магматик ҳосилаларнинг петрографик-петрохимёвий хусусиятлари аниқланган;

биринчи марта Жанубий Ауминзада петрографик таркиби, текстура-структуравий хусусиятлари ва ҳосил бўлиш шароити бўйича ўзига хос бўлган, кам учровчи магматоген ҳосилалар - туффизитли брекчия диатремаси аниқланган.

биринчи марта барча магматик тоғ жинсларининг жинс ҳосил қилувчи, маъданли ва аксессуар минераллари таркиблари замонавий усулларда аниқланган;

Ауминза тоғларидаги алоҳида магматик тоғ жинслари билан олтин маъданларининг ўзаро петрогеокимёвий алоқадорлиги аниқланган ва кидирув-башоратлаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ауминза тоғларидаги магматик тоғ жинслари батафсил минералого-петрографиявий тавсифланди ва улар алоҳида интрузив серия ва петрохимёвий қаторларга мансуб эканлиги исботланган;

тадқиқот олиб борилаётган ҳудудда олтин маъданлашувни башорат қилиш учун маргимуш, селен, сурьма, кумуш ва теллурнинг тарқалиш хусусиятлари барқарор мезонлар бўлиб хизмат қилиши аниқланган;

Ауминза тоғлари интрузив тоғ жинслари ва эндоген маъданларининг петрокимёвий, минералого-петрографиявий ва геохимёвий кўрсаткичлари асосида захкудук комплекси гранитлари потенциал маъдандор эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилаётган объектларда интрузив комплексларни тадқиқ қилиш борасидаги анъанавий усуллар билан бирга замонавий петрографик, минералогик ва геохимёвий усуллар қўлланилгани ва уларнинг натижалари статистик таҳлил қилинганлиги билан асосланган. Олинган натижалар мажмуавий дала ва лабораториявий тадқиқотлар материалларига – Ауминза тоғларининг интрузив тоғ жинслари тарқалган майдонларини муфассал текшириш, яъни 5000 м структуравий-литологик, 2000 м геологик-минералогик кесмалар тузиш, 50 км маршрутли тасвирлаш, 80 та батафсил геологик кузатув нуқталари маълумотлари, 60 та кимёвий (силикатли) ва тоғ жинслари намуналари таркибидаги элементларнинг 150 та масс-спектрометрик таҳлил натижалари бўйича тўпланган материалларга таянади; бундан ташқари ўрганилаётган ҳудудда интрузив тоғ жинсларидан олинган намуналари бўйича шаффоф (100 та) ва силлиқланган шлифлар (60 та) бўйича тадқиқотларнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда “Nikon ECLIPSE LV100N POL” микроскопи, JXA-8800R «Superprobe, Jeol» русумли микроанализатори ёрдамида барча турдаги интрузивларнинг жинс ҳосил қилувчи, аксессуар ва маъдан минераллар таркиби (200 та) ўрганилганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ауминзатов магматик жинслари интрузив комплекслар бўйича таркибий тавсифланганлиги ва улардаги жинс ҳосил қилувчи, аксессуар ва иккиламчи минераллар кимёвий таркиби батафсил аниқланганлиги, ҳамда тадқиқот ҳудуди учун магматоген тоғ жинсларининг ўзига хос, кам учровчи тури – туффизитлар аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интрузив ҳосилаларнинг алоҳида турлари ва маъданлашувнинг ўзаро петро-геохимёвий боғлиқлиги аниқланиши натижаларнинг амалиётда қидирув мезонлари сифатида қўлланилишига илмий асос бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади. Шунингдек, ишлаб чиқилган эндоген олтин маъданлашувининг минералогик-геохимёвий мезонлари ва петрологик тадқиқот натижалари алоҳида майдонларда қидирув-баҳолаш ишларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ауминза тоғлари интрузив комплексларининг магматик ҳосилаларини ялпи петрологик-геохимёвий хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

- Ауминза тоғлари интрузив тоғ жинсларининг петрографик, петрохимёвий ва геохимёвий хусусиятлари, жумладан магматизмнинг кечки фазаларига тааллуқли гранит ва лейкогранитларнинг аксессуар минераллар мажмуаси ва қалай, молибден, селен, волфрам, маргимушнинг миқдорий

кўрсаткичлари “Уранкамёбметгеология” ДУК геологик хариталаш ва қидирув ишлари амалиётига жорий қилинган (18.08.2020 йилдаги № 03/06 сонли маълумотнома Ўздавгеолқўм). Натижалар худуддаги магматик комплекслар ҳосилаларини батафсил тавсифлашга ёрдам берган.

- майдонда янги турдаги тоғ жинслари – туффизитлар аниқланиши ҳамда турли хил магматик ҳосилаларни петрологик тавсифлаш бўйича олинган тадқиқот натижалари “Уранкамёбметгеология” ДУК да турли миқёсли геологик-структуравий хариталаш ишлари амалиётига жорий қилинган (18.08.2020 йилдаги № 03/06 сонли маълумотнома Ўздавгеолқўм). Олинган натижалар Ауминза тоғларининг магматизм схемасини такомиллаштириш имконини берган.

- Ауминза тоғларидаги интрузив магматик тоғ жинслари ва маъданлашув зоналарида асосий ва ҳамроҳ элементларнинг (олтин, маргимуш, селен, сурма, кумуш ва теллур) тарқалиш хусусиятлари асосида тавсия этилган қидирув мезонлари “Уранкамёбметгеология” ДУК да металлогеник башоратлаш хариталарини ишлаб чиқиш ва фойдали қазилмаларни излаш амалиётига жорий қилинган (18.08.2020 йилдаги № 03/06 сонли маълумотнома Ўздавгеолқўм). Натижалар геологик ва металлогеник башоратлаш хариталарини тузиш ишларида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 9-таси республикада, 1-таси хорижда, конференция материаллари тўпламларида 12 та, жумладан 2 таси хорижда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги ва қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотларнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида Ауминза тоғларидаги интрузив комплексларнинг ўрганилганлик

даражасининг шарҳи ва магматик ҳосилаларнинг петрологик-геокимёвий тадқиқот услубларига оид маълумотлар ўз аксини топган. Турли ёш ва таркибдаги магматик тоғ жинсларининг маъданлашувга бўлган алоқасини, жумладан “магматик жараёнлар ва маъданлашув”, “дайка ва маъданлашув”, “гранитоид интрузивлари билан маъданлашув” муаммоларини Республикамизда биринчилардан бўлиб Ҳ.М.Абдуллаев кўтарганлар (Ҳ.М.Абдуллаев ва б., 1950,1957). Кейинчалик кўпчилик тадқиқотчилар – И.Ҳ.Ҳамрабаев, Ҳ.Н.Боймухамедов, Х.Р.Рахматуллаев, А.В.Толокониқов, Э.П.Изоҳ, З.А.Юдалевич, И.В.Мушкин, Т.Ш.Шояқубов, Т.Н.Долимов ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган ва уларнинг натижалари қатор йирик монография ва илмий тўпламларда ўз аксини топган (И.Ҳ.Ҳамрабаев, 1958, 1969).

Ушбу тадқиқотларда у ёки бу даражада турли муаммолар ечими топилган бўлсада, ҳозирда ҳам айрим масалалар, жумладан тоғ жинсларининг моддий таркибини юқори аниқликка эга бўлган замонавий усуллардан фойдаланиш асносида ўрганишда батафсилроқ тадқиқотларни олиб бориш; ёши, таркиби бўйича турли хил бўлган интрузив тоғ жинслари, дайкали ҳосилаларнинг ўзаро, энг муҳими маъданлашув билан муносабатларини аниқлаш орқали фойдали қазилма конларини қидиришнинг илмий асосланган омилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилган.

Диссертациянинг **“Ауминза тоғларининг геологик тузилиши ва маъдандорлигининг қисқача тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида майдон геологик тузилишининг қисқача тавсифи келтирилган.

Ауминза тоғлари Марказий Қизилкумнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, геотектоник жиҳатдан Зарафшон-Туркистон бурмаланган системасига тегишли. Томезозой фундаменти таркиби юқори протерозой (ауминза ва тасқазған свиталари), куйи-ўрта палеозой (қўрғонтов, роҳат, мурун, жинғилди свиталари) - турли таркибли сланецлар, амфиболитлар, карбонатлар) ва қопламали мезо-кайнозой (юра, бўр, палеоген-неоген - терриген, тўртламчи система – элювиал-пролювиал ҳосилалар) ётқизиқларидан таркиб топган (З.М. Абдуазимова ва б., 2016).

Ўрганилаётган худуддаги тектоник қурилмалар учта: мезозой-кайнозой чўкинди денгиз саёзликлари ва кўл-ботқоқлик ҳосилаларидан таркиб топган – альп; одатда синклиналлар мулдаларида ва тектоник қатма-қат ҳосилаларда (чешуя) сақланиб қолган куйи ва ўрта девон кесмасининг қолдиқларидан ва фрагментларидан иборат – герцин; ичида тектонитлашган микститли ҳосилалар сақланиб қолган кўп қатламли шарьяж қурилмалари – каледон қаватларидан иборат (Р.Х. Миркамалов, 1988).

Субкентлик бўйлаб жойлашган нисбатан қадимий (каледон тектогенези) дарз кетиш зоналари Ауминза – Белтов антиклинорий худудини шимол ва жанубдан чегаралаб туради (Жанубий ва Шимолий Ауминза ер ёриқлари); кейинги тектогенез босқичларида вужудга келган иккинчи даражали ёриқлар бўйлаб (Коспақтов зонаси, Жанубий ёриқ ва б.) маъданлашиш соҳалари жойлашади (Ажигубут, Коспақтов, Ақманбет ва б.).

Ауминза тоғлари магматик ҳосилалари учта интрузив комплекслардан ташкил топган: габбро-гранитли қулжуктов комплекси (Жанубий Ауминза габбро-диабаз штоки - C_{1-2}); ҳудуд магматик ҳосилаларининг асосий қисмини ташкил қилувчи гранит-гранодиоритли захкудук комплекси ($\gamma-\gamma\delta P_{1z}$); лейкогранитли шохетов комплекси $-\gamma P_{1sh}$.

Ишнинг 3-боби “Ауминза тоғлари интрузив ҳосилалари ва уларнинг петрографик хусусиятлари” масалаларини ёритишга бағишланган бўлиб турли комплексларга тааллуқли интрузив жинсларнинг минерал таркиби, структуравий белгилари, алоҳида минералларнинг жумладан жинс ҳосил қилувчи ва улар бўйича ривожланаётган иккиламчи минералларининг кимёвий хусусиятлари батафсил тавсифи очиб берилган.

Ҳудуддаги қулжуктов габбро-гранитоидли комплексига тааллуқли ($1C_{2-3k}, \gamma-\gamma\delta C_{2-3k}$) тоғ жинслари шток кўринишидаги кенглик бўйича чўзилган Жанубий-Ауминза интрузивини ташкил қилган, унинг минерал таркиби қуйидагича: плагиоклаз (45-50%), яшил эгирин-авгит (40%), пироксен-энстатит-авгит (2-3%), кварц (2-3%), биотит (1%), карбонат (2%), ва акцессор минераллардан – апатит, ильменит, магнетит ва ортит (2% гача; 1-жадвал).

1-жадвал.

Ауминза тоғлари турли комплексларга тегишли интрузив тоғ жинсларининг минерал таркиби, структура-текстуравий белгилари

Тоғ жинси	Минерал таркиби (%)	Структураси	Тектураси
Габбро-диабаз	плагиоклаз (45-50), яшил эгирин-авгит (40), пироксен-энстатит-авгит (2-3), кварц (3), биотит (1), карбонат (2)	габбро-офитли, призматик-донали	яхлит
Гранодиорит	плагиоклаз (45), калийли дала шпатлари (15-20), кварц (20-28), биотит (10-15), роговая обманка (0-5)	гипидиоморф донали	яхлит
Диорит кўшимчалар	плагиоклаз (олигоклаз-андезин, 60-70), моноклин пироксенлар (2-3), шох алдамчиси (15-20), биотит (5-10), калийли дала шпатлари (3-5) ва кварц (5-7)	призматик кўринишли ва пойкилитли	яхлит
Гранит	плагиоклаз (25), калийли дала шпати (30), кварц (25-30), биотит (8-10), мусковит	гипидиоморф донали, пойкилитли	яхлит
Лейкогранит	кварц (30), плагиоклаз (28), калийли дала шпати (35), биотит (1) ва мусковит	гипидиоморф	яхлит
Дайкалар			
Гранит, Гранит-порфир	кварц – (33), плагиоклаз – (30), калийли дала шпати (35), биотит (1); иккиламчилардан - хлорит (биотит бўйича, 1), серицит (плагиоклаз бўйича)	гипидиоморф майда ва ўрта донали	яхлит
Лейкогранит	кварц (33), плагиоклаз (30), калийли дала шпати (35), биотит (1), хлорит (биотит бўйича) (1) ва мусковит	гипидиоморф майда донали	яхлит
Диорит порфирит	Асосий масса фенокристаллардан (75-80) иборат бўлиб, плагиоклаз (Pl>Amf), амфибол ва камрок пероксенлар	Майда донали	яхлит
Керсантит	плагиоклаз – (65-70), биотит – (25-30), серицит – (2-3), лимонит – (0,5-1)	майда донали, офитли	яхлит
Аплит	калийли дала шпати – (25-30), кварц – (45-50), плагиоклаз (10-15) ва кам микдорда биотит	майда донали, гранобластли	яхлит

Аввалги тадқиқотчилар томонидан интрузив қамровчи жинслар билан тектоник контактга эгаллиги эътироф этилган. Лекин ушбу габброид

танасининг жанубий контакт соҳалари қуйи-ўрта ордовик рохат свитаси (O_{1-2} rh) углеродли слюдали-кварцли сланецлари билан магматик (“қайноқ”) контакт ҳосил қилганлиги аниқланди. Габбролар экзоконтакт қисмида майда донали диоритларга алмашинуви кузатилади; структураси габбро-офитли, призматик-донали тузилишга эга.

Захкудук гранит-гранодиоритли комплекси ($\gamma-\gamma\delta P_1 z$) ҳосилалари Ауминза тоғларида кенг тарқалган бўлиб, икки хил таркибли (гранодиоритлар - асосий фаза, гранитлар – кечки фаза) Ауминза интрузивини ҳосил қилади. *Гранодиоритлар* майдоннинг марказий қисмида жойлашган ва ўрта донали, калий шпатлашган жойларда - порфирсимон тоғ жинси. Экзоконтакт қисмларида майда донали ва майда порфир кўринишли, контактнинг ўзида эса қалинлиги 5-10 см бўлган майда донали лейкогранитлар кузатилади.

Гранодиоритлар минерал таркиби: плагиоклаз (45%), калийли дала шпатлари (15-20%), кварц (20-28%), биотит (10-15%), роговая обманка (0-5%), иккиламчи минераллардан серицит, хлорит (1% гача), акцессор минераллардан - апатит, сфен, циркон, ортит, ильменит учрайди. Структураси гипидиоморф донали, текстураси яхлит.

Ауминза интрузиви гранодиоритларида диорит таркибли нотўғри думалок, ўлчамлари 3 см дан 1,5 м гача бўлган гомоген кўшимчалар аниқланди. Уларнинг минерал таркиби плагиоклаз (олигоклаз-андезин, 60-70%), моноклин пироксенлар (2-3%), роговая обманка (15-20%), биотит (5-10%), калийли дала шпатлари (3-5%) ва кварцдан (5-7%) иборат. Кўшимталар кимёвий таркиби ва петрографик таҳлиллари бўйича диорит ва кварцли диоритларга тўғри келади ва улар Ауминза интрузиви шаклланишидаги илк фазаси бўлмиш чуқурда жойлашган диорит таналарига тааллуқли эканлигини таҳмин қилиш мумкин.

Гранитлар асосан Ауминза интрузивининг, шимолий-ғарбий қисмида кичикроқ (9 км²), жануби-ғарбий ва шимоли-шарқий эндоконтакт соҳаларида майда таналарни ҳосил қилган. Улар майда донали ёки кам порфир кўринишли, таркибида роговая обманка учрамайди, гранодиоритлар контактида 1-2 см қалинликдаги лейкократ ҳошиялар кузатилади. Минерал таркиби: плагиоклаз (25%), калийли дала шпати (30%), кварц (25-30%), биотит (8-10%), мусковит (2-3%). Структураси гипидиоморф донали, алоҳида минералларда пойкилитли, текстураси яхлит.

Лейкогранитлар шохетов комплексига ($\gamma P_1 sh$) тааллуқли бўлиб Ауминза тоғларининг жанубий қисмида кичик ўлчамдаги чўзинчоқ шток кўринишидаги Шохетов интрузивини ташкил қилган. Штокнинг айрим жойларида гранитлар гнейслашган, кам порфирли, кўпроқ майда донали жинслар. Алоҳида хусусияти интрузив бўйлаб пегматит ва турмалин томирлари кенг тарқалган.

Лейкогранитлар тузилиши порфирсимон, асосий масса тўлиқ кристалланган, кучсиз катаклазлашган йирик донали плагиоклаз ва панжарасимон микроклин фенокристалларидан ташкил топган бўлиб, улар

майда донали агрегат кўринишдаги микроклин, плагиоклаз, кўп миқдорда кварц ва майда япроқли хлорит, биотитлар билан қопланган.

Интрузив танаси бўйлаб турмалин минераллашуви фақат унинг алоҳида қисмлари учун хос, кўпроқ ҳолларда кварц билан бирга ёки мономинерал томирлар сифатида намоён бўлганлиги ва шлифларда жинс ҳосил қилувчи минералларнинг турмалин томирчалари билан кесилиши сабабли, бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ Шохетов лейкогранитли интрузивини турмалинлашган деб эътироф этиш зарур.

Ауминза тоғларида турли хил дайкали ҳосилалар кенг тарқалган. Кўпроқ учровчи *гранит ва гранит порфир дайкалари* асосан майда ва ўрта донали, баъзи жойларида лейкократли бўлиб қалинлиги 0,5 дан 12 метргача боради; йириклари асосан Акманбет майдонида кенг тарқалган бўлиб таркибида углеродли-кремнийли сланецлар ксенолитлари учрайди. Минерал таркиби: кварц – (33%), плагиоклаз – (30%), калийли дала шпати (35%), биотит (1-3%), иккиламчилардан – хлорит (камроқ).


Аплит дайкалари чўкинди-метоморфик тоғ жинслари ва Ауминза интрузиви гранодиоритларида ҳар хил йўналишдаги томирлар сифатида кенг тарқалган, қалинлиги 3 - 5 см дан 5 м гача. Минерал таркиби: калийли дала шпати – (25-30%), кварц – (45-50%), плагиоклаз (10-15%) ва кам миқдорда биотит, мусковит япроқчаларидан иборат. Структураси майда донали, гранобластли, текстураси – яхлит.

Лейкогранит дайкалари Ауминза тоғлари жанубида кенг тарқалган, асосан чўкинди-метаморфоген ҳосилаларида жойлашган қалинлиги 1,5-2 м ли томирли жинсларни ташкил қилади. Тоғ жинси майда донали лейкократли биотитли, кам соссюритлашган, таркибида турмалин миқдори кўп (1-1,5%). Минерал таркиби: кварц (33%), плагиоклаз (30%), калийли дала шпати (35%), биотит (1%), хлорит (биотит бўйича) ва мусковитдан иборат. Структураси гипидиоморф майда донали. Текстураси яхлитли.

Диорит порфирит дайкалари Ауминза интрузивида жуда кенг тарқалган, бошқаларига нисбатан уларнинг йўналиши шимолий-шарқ (60-65°), ўзаро деярли параллел ҳолатда жойлашган, қалинликлари 4-6 метргача. Асосий масса фенокристаллардан (75-80%) иборат бўлиб, плагиоклаз, амфибол ва камроқ пироксенлардан, кам миқдорда кварцдан ташкил топган. Тузилиши порфирсимон, призматик. Текстураси яхлитли.

Лампрофир дайкалари Ауминза тоғларининг жанубий-шарқий қисмида Акманбет майдонида, Аджибугут ва Давон конлари атрофларида кенг тарқалган, қалинлиги 1,5-2 метр бўлиб 340-350⁰ шимолий-ғарбий йўналишда чўзилган. Аввалги тадқиқотчилар майдондаги лампрофир дайкаларни спессартит эканлигини эътироф этишган (Парамонов, 2001; Позднеков, 1969), лекин Акманбет майдонида тарқалган лампрофирлар петрографик хусусиятларига биноан керсантитларларга ҳам тўғри келиши аниқланди. Минерал таркиби: плагиоклаз – (65-70%), биотит – (25-30%), серицит – (2-3%), камроқ изометрик шаклдаги гранат доналари учрайди. Структураси майда донали, офитли, текстураси – яхлит.

Илк бор Ауминза тоғларининг жанубий қисмида субкенглик бўйлаб жойлашган йирик Жанубий – Ауминза бурдаланиш зонаси билан кўндаланг ер ёриқлари туташган ҳудудда узига хос петрографик таркиби ва структура-текстуравий хусусиятларига эга бўлган ва турли таркибдаги чўкинди тоғ жинсларининг майда бўлакли брекчияларини цементловчи магматик тоғ жинслари аниқланди (1-расм). Уларнинг ер юзасида очилган қисми 120x150 метр, асосий массаси оч кулранг майда донадор жинслардан иборат бўлиб, турли хил чўкинди-метоморфик жинсларнинг ҳар хил шаклдаги қиррали бўлақларини ўз таркибига цементлаб бириктириб олган.



1-расм. Туффизитлар табиий очилмаси (а), силлиқланган штуфда кўриниши (в,г), ва уларнинг петрографик тавсифи (кесишган николларда) - г) асосий масса билан углеродли-сланецлар булақлари контактидаги реакцион ҳошиялар, д) – туффизитлар таркибидаги албит агрегати (оқ рангли), е) кварц-албит-слюдали асосий массадаги йирик углеродли сланец бўлаги.

Брекчияли тоғ жинсининг бирлаштирувчи массаси асосан кварц-слюда-альбитли таркибдан иборат бўлиб, майда донадордан ўрта донадоргача, баъзан микролитларга яқин; тоғ жинсининг текстураси – брекчия-такситли. Микро ва майда донадор кремнийли кварцитларнинг бўлақлари ўртача 20-30% гача, уларни цементловчи кварц-альбит-слюдали масса 70-80% ни ташкил этади. Бўлақларнинг шакллари ҳар хил – турли ўлчамли ўткир бурчакли ва кам қисми изометрик. Бўлақларнинг цементловчи масса билан контактида ички зоналлиги – бегона парчаларнинг ранги ва минерал таркиби ўзгариши (тобланиш зонаси) кузатилади. Тоғ жинси асосий массасида баъзан ғоваклилик мавжудлиги ушбу жинсларни ҳосил қилган бирламчи магматоген субстратнинг флюидлар билан юқори даражада тўйинганлигини кўрсатади.

Кўшимча бўлақларининг дарзланиши кузатилади ва ушбу жараён уларнинг марказий қисмига қараб камайиб боради; ҳосил бўлган ёриқлар асосий масса билан цементланади ёки майда ўлчамдаги газли пуфакчалар билан тўлиб қолади. Ушбу маълумотлар тавсифланаётган тоғ жинслари шаклланишида портлаш жараёнлари кузатилганлигидан далолат беради. Олинган тадқиқотлар хулосалари ва мавжуд маълумотларни (Н.Слоос, 1941; Л.В.Махлаев, И.И.Голубева, 2001) таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, тавсифланган ҳосилалар магматоген жинсларнинг ўзига хос тури – туффизитларга тегишли эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ушбу туффизитларнинг ҳосил бўлиши қуйидагича амалга ошган - нордон таркибга эга бўлган флюидлар билан тўйинган магма ер юзаси томон ёриқлар буйлаб кўтарилганда, босим пасайиши натижасида эритмалар шиддатли равишда қайнай бошлайди ва магма таркибида эриган газлар ажралишига ва портлаш жараёнларининг вужудга келишига олиб келади. Бу эса қамровчи жинсларнинг бурдаланишига ва магматоген массага кремнийли сланец ва кварцитлар бўлақлари сифатида қўшилиб кетишига олиб келади. Ушбу тоғ жинсларининг туффизитлар деб аталиши - улар классик туфлар эмас, балки туфга ўхшаш ҳосилалар, лекин ҳақиқий туфлардан фаркли ўлароқ, табиатда интрузив таналарни ҳосил қилиши таъкидланган

“Интрузив тоғ жинсларидаги акцессор минераллари тавсифи” номли 4-бобида алоҳида комплексларга тааллуқли бўлган турли интрузив тоғ жинслари минерал таркиби замонавий микроминералогик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш хулосалари келтирилган. Натижада аввал эътироф этилган акцессор минераллар – апатит, сфен, ильменит, монацит, рутил, ортит, цирконлардан ташқари ҳудуд учун биринчи марта янги минераллар - бадделеит, магнетит, торит, ксенотим, барит, халькопирит, пентландит, пирит, галенит, молибденит, гранат, арсенопирит, касситеритлар аниқланди ва уларнинг ўзига хос кимёвий хусусиятлари акс эттирилди.

Майдондаги алоҳида интрузив комплексларга тегишли магматик ҳосилалар ўзига хос акцессор минераллар мажмуаси билан ва уларнинг таркибидаги қўшимча элементлар хилма-хиллиги ва уларнинг миқдори билан фарқланиши аниқланди: Жанубий Ауминза габбро-диабазларида - ильменит, рутил, апатит, бадделеит, торит, циркон, ксенотим; Ауминза интрузиви гранит-гранодиоритларда – апатит, сфен, магнетит, барит, ортит, монацит, халькопирит, пентландит, пирит, галенит, молибденит торит, циркон; турли таркибдаги дайкаларда – циркон, рутил, касситерит, ильменит, ураноторит, торит, сфен, барит, ортит, апатит, монацит, ксенотим. Таркибида турмалин кенг тарқалган Шохетов интрузиви тоғ жинслари учун акцессор минераллардан апатит, циркон, ильменит, гранат, монацит, ксенотимларнинг юкори миқдори хос. Алоҳида акцессор минераллар миқдори гранитоидли магманинг оҳак – ишқорлар билан нисбий тўйинганлиги ҳамда тегишли элементларга бойлигидан далолат беради (И.Ҳ.Ҳамрабаев, 1989), ушбу белгилар эса турли хил маъданларни қидирув меъзонлари сифатида қўлланилиши мумкин.

Захқудук комплексининг асосий фазаси гранодиоритларига нисбатан гранитларда магнетитнинг нисбатан кўплиги, уларни ҳосил қилган магма флюидларга бойроқ эканлигидан далолат беришини тасдиқлайди, бу эса захқудук комплексининг кўшимча фазаси бўлмиш гранитларнинг маъданлашувга баркамоллиги нисбатан юқори эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотларнинг амалий натижаси сифатида акцессор минераллар ва уларнинг таркибидаги кўшимча элементларнинг юқори миқдори – уран, торий, нодир ер элементлари ва бошқалар Ауминза интрузиви гранит-гранодиоритларининг радиоактив, нодир ва нодир ер элементлари маъданлашувига потенциал маъдандорлигини кўрсатади.

Майда штоклар сифатида тарқалган, магматизмнинг кечки фазаларига тааллуқли гранит ва лейкогранитларнинг акцессор минералларида, юқорида қайд этилган элементлардан ташқари қалай, молибден, селен, волфрам, маргимушга бой бўлиши ушбу ҳосилалар билан майдонда нодир ва қимматбаҳо маъданлар боғлиқ бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Диссертациянинг **“Интрузив комплекслар ҳосилаларининг петрокимёвий ва геохимёвий тавсифи”** деб номланган бешинчи бобида майдондаги интрузив тоғ жинсларининг петрокимёвий ва геохимёвий хусусиятлари очиқ берилган.

Тоғ жинсларининг кимёвий таҳлиллари натижалари асосида магматик ҳосилаларнинг петрокимёвий коэффицентлари ҳамда норматив таркиблари аниқланди. Олинган маълумотларнинг ушбу ҳосилаларни таснифлашдаги махсус диаграммалардаги тавсифи куйидагиларни кўрсатди: (TAS-диаграммаси ($\text{SiO}_2\text{-Na}_2\text{O}+\text{K}_2\text{O}$) – майдондаги интрузив тоғ жинсларининг асосий қисми нормал ишқорли қаторга оид (Шохетов лейкогранитлари бундан истисно – улар ўрта ишқорли) (2а-расм); магматик жинсларнинг петрокимёвий сериясини аниқловчи АФМ диаграммасида Ауминза тоғлари интрузив комплекси тоғ жинслари яққол оҳакли-ишқорли жинслар сирасига кириши аниқланди (2б-расм).


Тоғ жинсларининг $\text{CaO-Na}_2\text{O-K}_2\text{O}$ таркибий диаграммасида асосли габбро ва лампрофир дайкалари намуналари кальций оксидига яқинроқ майдонда жойлашган, бу эса тоғ жинслари таркибидаги плагиоклазлар асосан андезин-лабрадорлардан ташкил топганлигидан далолат беради. Диорит порфирит дайкалари, Ауминза интрузиви асосий фазаси гранодиоритлари ва уларнинг кўшимталарининг (диорит бўлаклари) таркибини акс эттирувчи фигуратив нукталар диаграмманинг марказий қисмларидан жой олган, сабаби улар ўрта асосли ва унга яқин бўлган ҳосилалардир.

Шу вақтгача Ауминза тоғларидаги Жанубий Ауминза интрузиви габбролари Қулжуктов сериясидаги габбролар муқобили деб қаралган. Бу ҳудудлардаги габбролар петрокимёвий хусусиятлари бўйича бир-бирига яқин эканлиги аниқланди.

Ауминза тоғлари интрузив тоғ жинслари таркибидаги кимёвий элементларнинг миқдорини замонавий усуллардан (масс-спектрометр ICP-MS) фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди. Умуман олганда геохимёвий хусусиятларига кўра Ауминза тоғларининг алоҳида интрузив жинслари

таркибида ўзига хос қўшимча элементлар мажмуаларининг нисбатан юқори қийматларига эга (уларнинг кларк кўрсаткичларига нисбатан). Бундан келиб чиққан ҳолда габбролар (кларк концентрацияси юқори бўлган қўшимча элементлар – V, Cr, Mo) хром-ванадий маъданлашувига, гранодиоритлар (Mo, Sn, W, Ba) нодир металлларга, гранитлар (As, Ag, Te, Bi) – қимматбаҳо, лейкогранитлар (B, Sn, W) эса бор ва нодирметалли маъданлашувга баркамол эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ауминза тоғлари интрузив жинсларида нодир ер элементлари миқдорлари кларк кўрсаткичлари атрофида ва уларнинг тарқалишида анча ўхшашлик томонлари кузатилади. Тоғ жинслари ўртасидаги алоҳидалик европий элементининг тарқалишида кўзга ташланади: Ауминза интрузиви гранодиорит ва гранитларида, Шохетов интрузиви лейкогранитларида, Ауминза интрузивидаги диорит таркибли қўшимчаларида яққол даражада европий минимуми намоён бўлган; кичик штоклар ҳосил қилувчи габбролар, диорит-порфирит дайкаларида эса ушбу кўрсаткич кузатилмайди (2в-расм).



2-расм. Ауминза тоғларида тарқалган интрузив тоғ жинслари таркибининг TAS-диаграммасида (SiO₂–Na₂O+K₂O; Шарпенюк ва б., 2013) тутган ўрни. 1 – габбро-диабаз (Жанубий Ауминза интрузиви), 2 – гранодиоритлар (Ауминза интрузиви, асосий фаза), 3 – гранит (Ауминза интрузиви, қўшимча фаза), 4 – лейкогранитлар (Шохетов интрузиви), дайкалар: 5 – гранит порфир, 6 – лейкогранит, 7 – диорит порфирит, 8 – аплит, 9 – лампрофир, 10 – қўшимчалар (Ауминза интрузиви).

Бу эса гранит-гранодиорит ва лейкогранит интрузив массивларининг вужудга келиш жараёни ягона ўчоқ билан боғлиқлиги ва ер пўстидаги оралик манбага эга бўлган “батолит босқичли” (Х.М.Абдуллаев бўйича) магматик ўчоқда моддалар дифференциацияси анча жадал бўлганлигидан далолат беради. Гранитоид формациялардан олдинги майда штокли габброларда ва улардан кейинги диорит дайкаларида ушбу жараён кузатилмаган, буни эса кичик ҳажмдаги магматизмда дифференциация жараёнлари паст даражада амалга ошганлигида деб этироф қилиш мумкин.

Ишнинг 6-боби “**Ауминза тоғлари олтин маъданлашувининг минералогик-геокимёвий хусусиятлари ва уларнинг магматик ҳосилалар билан алоқадорлиги**” деб номланади. Ўрганилаётган ҳудудда амалий аҳамиятга эга бўлган маъданлашув асосан олтин конлари (Аджибугут, Биринчи сентябр, Довон, Колчиктов, Жолдос ва бошқалар) сифатида намоён бўлганлиги сабабли, тадқиқот объекти сифатида ҳозирги пайтда кидирув-баҳолаш ишлари олиб борилаётган Песчаное кони маъданларининг минералогик-геокимёвий хусусиятлари танланган.

Песчаное кони гипоген маъданлашуви қамровчи вулқоноген-чўкинди тоғ жинсларининг жадал кварцлашган, сульфидлашган ва маъдан олди ўзгаришларига учраган ҳосилаларидан ташкил топган. Маъданлардаги сульфидлар алоҳида хол-хол, уялар ва нотўғри линзалар шаклида учрайди. Маъданли минераллар асосан пирит, камроқ халькопирит, арсенопирит, галенит, сфалерит ва оз миқдорда сульфосоллар, кумуш минераллари ва бошқалардан иборат; тоғ жинсини ҳосил қилувчи минераллар - кварц, альбит, серицит, хлорит, камроқ каолинит ва карбонат. Уларнинг миқдори бирламчи тоғ жинсларининг таркибига ва уларнинг метоморфик ва метосоматик ўзгариш даражасига боғлиқ.

Песчаное кони гипогенли маъданлари пирит-пирротинли (маъданлашувдан олдинги), пирит-арсенопиритли (асосий маҳсулдор), кварц-карбонат-полисульфидли ва карбонат-кумуш-сульфосолли (кам маҳсулдор), кварц-карбонатли (маъданлашувдан кейинги) парагенетик минерал ассоциацияларидан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири типоморф минераллар мажмуаларидан иборат, минераллар эса ўз навбатида алоҳида типоморф, жумладан типокимёвий хусусиятлари билан фарқланади.

Тоғ жинслари ва маъданларда элементларнинг тарқалиш хусусиятлари миқдорий усуллар ёрдамида аниқланди (масс-спектрометрик ISP- таҳлили): маъданли зоналарда асосий ва ҳамроҳ элементлар тўпланиш интенсивлигининг геокимёвий қатори қуйидагича: (*Se-Sb-Au-Ag-As-Te*)-Pt-Bi-Cu-Zn-Pb; маъдан таналарида ва маъданолди зоналарида олтин ва маргимушдан ташқари, селен, сурма, кумуш ва теллур муҳим аҳамият касб этади, уларнинг кореляцион боғлиқликларида ўз аксини топган - олтин маргимуш билан жуда кучли (0,91) ва кумуш, рух, сурма билан кучли (0,40-0,52), бу эса олтин-арсенопирит ва олтин-кумуш-сульфид-сульфосол маъданга маҳсулдор ассоциацияларнинг намоён бўлганлигидан далолат беради. Шу аснода ўрганилаётган ҳудудда олтин маъданлашувни башорат қилиш учун маргимуш, селен, сурьма, кумуш ва теллурнинг тарқалиш

хусусиятлари барқарор мезонлар бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланган.

Ауминза тоғлари интрузив тоғ жинслари ва олтин маъданларининг петрокимёвий, минералого-петрографиявий ва геокимёвий маълумотлар мажмуаси, худуд учун муҳим иқтисодий аҳамият касб этувчи олтин маъданлашувини қидиришда, майдонда мавжуд бўлган магматик ҳосилалардан захкудук комплекси гранитлари потенциал маъдандорлиги юқори эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Ауминза тоғларидаги интрузив ҳосилалар биринчи марта турли магматик комплекслар (қулжуктов - $\nu C_{2-3k}, \gamma-\gamma\delta C_{2-3k}$, захкудук - $\gamma-\gamma\delta P_{1z}$, шохетов - γP_{1sh}) кесимида атрофлича тавсифланди ва турли хил тоғ жинслари (габбро-диабаз, гранодиорит, гранит, лейкогранитлар ва гранит-порфир, лейкогранит, аплит, диорит-порфирит, керсантит дайкалари) ўзига хос петрографик ва кимёвий хусусиятлари билан изоҳланади.

2. Ауминза тоғларининг жанубий қисмида алоҳида петрографик таркиби ва структура-текстуравий белгиларига эга бўлган ва турли таркибдаги чўкинди тоғ жинсларининг майда бўлакли брекчияларини цементловчи магматик тоғ жинслари аниқланди; олинган натижалар ва чоп этилган маълумотлар таҳлили ушбу ҳосилалар магматоген тоғ жинсларининг ўзига хос, кам учровчи туффизитлардан иборат эканлигидан далолат беради.

3. Интрузив тоғ жинсларини замонавий микроминералогик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш натижасида майдондаги алоҳида интрузив ҳосилалар ўзига хос аксессуар минераллар мажмуалари, уларнинг таркибидаги қўшимча элементлар хилма-хиллиги ва миқдори билан фарқланиши аниқланди; минералларнинг кимёвий хусусиятлари уларнинг типоморф белгилари сифатида кўрсатилади.

4. Петрокимёвий тадқиқотлар натижасида майдондаги интрузив комплекслар ҳосилалари яққол оҳақли-ишқорли жинслар сирасига кириши ва асосий қисми нормал ишқорли қаторга оид эканлиги, ҳамда тоғ жинсларининг геокимёвий хусусиятлари кесимида алоҳида комплекс ҳосилалари турли хил маъданлашувга ихтисослашганлиги қидирув-баҳолаш меъзонлари сифатида тавсия этилади.

5. Худудда амалий аҳамиятга эга бўлган Песчаное олтин кони гипогенли маъданларининг минералогик-геокимёвий хусусиятлари, майдонда олтин маъданлашувини башорат қилишда маргимуш, селен, сурьма, кумуш ва теллурнинг тарқалиш ореоллари геология-қидирув ишларида барқарор мезонлар сифатида қўллашга тавсия қилинади.

6. Ауминза тоғлари интрузив тоғ жинслари ва олтин маъданларининг петрокимёвий, минералого-петрографиявий ва геокимёвий маълумотлар мажмуаси, муҳим иқтисодий аҳамият касб этувчи олтин маъданларини қидиришда, майдонда мавжуд бўлган магматик ҳосилалардан захкудук комплекси гранитлари потенциал маъдандорлиги юқори эканлиги аниқланди.

Шундан келиб чиқиб Ауминза тоғларида қидирув ишларини олиб бориш жараёнида, захкудук комплекси қўшимча фазаси бўлган гранитлари намоён бўлган майдонлар олтин ва бошқа маъданлашувларга истиқболи юқори эканлигини инобатга олиш тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ
ИМЕНИ Х.М. АБДУЛЛАЕВА**

ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ

АМИРОВ ЭЛМУРОД МАНСУРИДДИН УГЛИ

**ПЕТРОЛОГО-ГЕОХИМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИНТРУЗИВНЫХ
КОМПЛЕКСОВ ГОР АУМИНЗАТАУ (ЦЕНТРАЛЬНЫЕ
КЫЗЫЛКУМЫ)**

**04.00.03 – “Геотектоника и геодинамика.
Петрология и литология”**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером **B2019.3.PhD/GM70**.

Диссертация выполнена в Институт геологии и геофизики имени Х.М.Абдуллаева.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ingeo.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Карабаев Маматхан Садирович доктор геолого-минералогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ахунджанов Рахмаджон доктор геолого-минералогических наук Шермухамедов Тулкин Зокирович кандидат геолого-минералогических наук
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «30» декабря 2020 года в «14⁰⁰» часов на заседании научного совета DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 при Институт геологии и геофизики имени Х.М.Абдуллаева (Адрес: 100041, г.Ташкент, ул Олимлар, 64. Тел.: (99871) 262-65-16; факс: (99871) 262-63-81; e-mail: ingeo@ingeo.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и геофизики имени Х.М.Абдуллаева (регистрационный номер № 3). Адрес: 100041, г.Ташкент, ул Олимлар, 64. Тел.: (99871) 256-13-49.

Автореферат диссертации разослан «16» декабря 2020 г.
(реестр протокола рассылки №3 от «16» декабря 2020 г.)

А.К. Нурходжаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

Ф.Б. Каримова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.г.-м.н. (PhD)

У.Д. Мамарозиков
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В практике мировых геологоразведочных работ разработка современной научной базы, в том числе при организации прогнозирования и разведки месторождений рудных полезных ископаемых, приобретает важное значение. В связи с этим результаты петролого-геохимических исследований служат надежными источниками при создании научно обоснованных критериев поиска различных полезных ископаемых, с промышленным потенциалом.

В настоящее время в развитых странах мира особое внимание уделяется исследованиям, основанным о тесной взаимосвязи эндогенного оруденения с магматическими образованиями и ориентированными на выявление их вещественного состава и разработку научно обоснованных критериев прогнозирования. В связи с этим изучение петролого-геохимических особенностей магматических образований, в разрезе различных интрузивных пород, дает возможность научно обосновать перспективы формирования месторождений полезных ископаемых, в том числе редких и драгоценных металлов.

В нашей стране, с целью коренного преобразования деятельности геологической отрасли, реализуются широкомасштабные меры, основанные на мировой инновационный опыт и современные разработки. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены задачи по «... обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов ...»¹. В частности, использованием в поисковых работах петрографических и геохимических методов достигается увеличение запасов различных полезных ископаемых и как результат - дальнейшее расширение и укрепление минерально-сырьевой базы действующих в стране горнодобывающих предприятий. Особенно, работы в этой области требуют разработки и внедрения инновационных подходов, на основе современных методов изучения состава магматических пород для выделения перспективных участков на благородные металлы, прежде всего месторождений золота.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указом Президента Республики Узбекистан от 1 марта 2018 года № ПП-3578 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам» а также поручение Президента Олий Мажлису от 24 января 2020 года о развитии фундаментальных исследований в области геологии и других

¹Указ Прездента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

соответствующих правовых актов.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики - VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. На исследуемой площади интрузивные породы имеют широкое распространение, представлены батолитами, штокообразными телами и дайками различного состава в отложениях верхнего протерозоя и ордовикской системы. Эти и другие интрузивные образования в Центральных Кызылкумах были изучены И.Х. Хамрабаевым, Н.П.Петровым, А.Ф.Соседко, В.М.Железновым, В.Ф.Поповым, Х.Р.Рахматуллаевым, И.В.Швеем, В.В. В.В.Барановым, А.В.Толоконниковым, Ю.Ф.Баскаковым, Э.П.Изохом, З.А.Юдалевичем, И.В.Мушкиным, Р.Ахунджановым, И.Н.Ганиевым, Ф.К.Диваевым, М.С. Карабаевым, Х.Д.Ишбаевым, У.Д.Мамарозиковым и др.

Несмотря на достигнутые научные результаты, в настоящее время, еще ряд проблем, связанные с магматическими образованиями остаются нерешенными - характеристика широко распространенных включений в Ауминзинском интрузиве, особенности вещественного состава интрузивных пород, акцессорная минералогия и связь с интрузивными породами региона орудения.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Института геологии и геофизики в рамках научно-исследовательских проектов №10-18/4 “Изучение и анализ магматических образований и оценка их роли в формировании и размещении рудной минерализации в горах Ауминзатау”, а также фундаментального проекта №281 «Выявление закономерностей распределения в магматических, постмагматических и метасоматических образованиях главных и сопутствующих рудных элементов, с установлением форм их нахождения и построением прогнозно-поисковых моделей на глубину (на примере золоторудных и золото-редкометалльных объектов Центральных Кызылкумов)».

